

Олди-сотди шартнома № 1

Дустлик шахри

« 07 » март 2022 йил

Биз, шартнома тузувчилар Низомга асосан фаолият кўрсатувчи «ODIL BEK GOLD HOUSE» MCHJ номидан раҳбари **О.Ҳамрақулов** қуйида «СОТУВЧИ» деб аталади, бир томондан ва Низомга асосан фаолият кўрсатувчи «СОТИБ ОЛУВЧИ» деб аталувчи **Дустлик туман Мактабгача таълим бўлими** раҳбари **Ф.Абдужалилова** қуйидагилар ушбу шартномани тузишди.

1.Шартнома мазмуни

1.1. «СОТУВЧИ» ўзига тегишли товар мол-мулкни «СОТИБ ОЛУВЧИ» нинг мулки килиб беради, «СОТИБ ОЛУВЧИ» эса товар мол-мулкнинг хақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2.Товар мол-мулк тўғрисида маълумот

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1	Гилам	Кв.м	578	111000	64158000
2					
	Жами:				64158000

2.Шартнома нархи

2.1.Шартнома баҳоси: 64158000 (Олтмиш тўрт миллион бир юз эллик саккиз минг) сўмни ташкил қилади.

3.Тўлов шартлари

3.1.Ушбу шартнома бўйича тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

4.Мажбуриятларнинг бажарилиш муддати

4.1.Харидор томонидан олинаётган хар бир мол-мулк тўплами учун олдиндан 30% тўлов амалга оширилади, қолган 70% и махсулотни олган кундан бошлаб 30 кун ичида тўлаб берилади.

4.2.Харидор Сотувчининг ҳисоб рақамига пул ўтказгандан сўнг. Сотувчи харидорга мол-мулкни 3 кун вақт ичида бериши шарт.

4.3.Мазкур шартнома Ҳазначилик органларидан рўйхатга олингандан сўнг кучга киради ва «31» декабр 2022 йилгача амал қилади.

5.Тарафлар мажбуриятлари

5.1. «СОТУВЧИ» нинг мажбурияти:

5.1.1.Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «СОТИБ ОЛУВЧИ» га товар мол-мулкни бериш;

5.1.2.Тегишли даражада сифатсиз махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган товар мол-мулкни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки Ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган товар мол-мулк баҳосини қайтариб бериш ҳамда сифатсиз махсулот етказдириб берилганлиги ёки шартнома талаблари бажарилмаган тақдирда ўша микдорнинг 20 фоиз қисмини жарима сифатида тўлаш мажбуриятини олади

5.2. «СОТИБ ОЛУВЧИ» мажбурияти:

5.2.1.Махсулотни олиб ҳисоб варақ-фактура тузган ҳолда ушбу шартномада ва конун ҳужжатлари белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни ўзи олиб кетади.(ёки сотувчи томонидан етказиб берилади) (шартнома шартидан келиб чиққан ҳолда кераклиси танланади)

5.2.2.Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 48 соат ичида сотувчини огоҳлантириш.

5.2.3.Товар мол-мулкнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тўлаш.

5.3. «СОТИБ ОЛУВЧИ» ҳуқуқлари:

5.3.1. «СОТИБ ОЛУВЧИ» муддатлар бузилган ёки тегишли даражада сифатга мувофиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилган махсулотни қабул қилишни:

5.3.2. «СОТУВЧИ» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

5.4. «СОТУВЧИ» ҳуқуқлари:

5.4.1. «СОТУВЧИ» олувчидан етказиб бериладиган махсулот учун олдиндан тегишли ҳақни тўлашини ва амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга ошириш:

5.4.2. Шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган махсулотни қабул қилишни асоссиз рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни «СОТИБ ОЛУВЧИ» дан талаб қилишга ҳақлидир.

6.Тарафлар жавобгарлиги

6.1.Тарафларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди.

6.2. «СОТУВЧИ» мол-мулкни тўлик етказиб бермаганлиги учун харидорга етказиб бермаган хар бир кун учун мол-мулк баҳосининг 0,5% и микдорида жарима тўлайди, лекин бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган мол-мулк баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиги зарур.

6.3.Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, сотувчи олувчига кечиктирилган хар бир кун сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосининг 0,5 % и микдорида пеня тўлайди.

6.4.Мол-мулк учун сотиб олувчи ўз вақтида тўламаганлиги учун сотиб олувчи СОТУВЧИга ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4%и микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% идан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

6.5 Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи):

Товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. сотувчи сотиб олувчининг талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ун беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериш шарт: бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг хақи тўлаб

қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли; етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундиришга ҳақли.

Товарларни етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, сотиб олувчи (буюртмачи) бут бўлмаган товарларни қайтариб беришга ҳамда бут бўлмаган товарларни бут товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир

7. Коррупцияга қарши қелишув

7.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда "Томонлар" коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, афилланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича қоратадбирлар қабул қилинишини қафолатлайди.

7.2 "Томонлар" коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки телефон орқали бир бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва муурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

7.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавфхатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган қоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

7.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади. ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида қўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас

8. Форс мажор ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда Ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларга жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарбо, ер қимирилаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

8.2. Тарафлар Ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўмайдиган куч 3 ой узлуксиз давом этса тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантирилиб, шартноманинг ижарасини бекор қилиш мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби.

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан қилиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг қелишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг қелишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат икала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейин юридик хизмат кўрсатиш марказининг ижобий ҳулосасини олгандан кейингина юридик қучга эга.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро қелишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан қелтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатлардан олдин бекор қилиш мумкин.

11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома тарафлардан ҳар бири учун ҳақиқий, бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

11.2. Шартномага илова: «ODIL BEK GOLD HOUSE» МСНЖ гувоҳномаси илова қилинади

12. Тарафларнинг манзиллари:

«Ижрочи»

«ODIL BEK GOLD HOUSE» МСНЖ

(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

Манзили Жиззах ш. Азимбеков кўчаси 1-уй

Тел/факс: _____

(х/в ёки шҒХ) 20208000205483983001

Банк номи: Ипотека банк АТИБ Жиззах вил филиали

МФО:00122. СТИР:309233866

ИФУТ: _____

«Буюртмачи»

Дўстлик туман мактабгача таълим бўлими

(буюртмачи номи)

Манзили: Дўстлик шаҳри Мустақиллик кўчаси

Тел/факс: 72.335-46-32

шҒХ: 100022860082157091100251018.

Ташкилотнинг СТИРи 305154334

ИФУТ: 84112

Ғазначилик бўлинимасининг номи: Дўстлик тумани

бўйича Ғазначилик бўлинимаси

ЯҒХ: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

бош бошқармаси ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014.

Ғазначилик бўлинимасининг СТИР 201122919.



О.Хамрақулов

(имзо)



Рахбар

Ф.Абдужалилова

(Ф.И.Ш.)



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DO'STLIK TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI
130500 Do'stlik shahri, Amasoy shoh ko'chasi.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RI SIDA
HUQUQIY XULOSA
№ 1319**

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma
2. **Loyihaning nomi:** 1-sonli oldi-sotdi shartnomasi

Loyihaning mazmuni: Do'stlik tumani maktabgacha ta'lim bo'limi mudiri F.Abdujalilova va «Odilbek gold house» MCHJ rahbari O.Hamraqulov o'rtasidagi 7.03.2022 kungi qiymati **64,158,000** so'mlik gilam sotish va sotib olish to'g'risidagi 1-sonli oldi-sotdi shartnoma loyihasi.

3. **Loyihani ishlab chiquvchi tashkilot:** Do'stlik tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022-yilning 7-mart kuni ishlab chiqilgan.
4. **Loyiha kelib tushgan sana:** 2022-yil 7-mart kuni Markazga elektron tizim orqali yuridik xulosa olish maqsadida taqdim etilgan.
5. **Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq.**

Markazning yuridik xulosa bergan xodimi loyihaning moliyaviy tomonlariga javobgar emas!

**Markaz boshligi,
2-darajali yurist**



U.A.Abdiev

9.03.2022 yil